

ҚУРЪОНИ КАРИМ ҚИРОАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

*Раҳматов Иқболжон Иззатулло ўғли,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Исломунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада Қуръон қироати илми ва унинг аҳамияти, назарий ва амалий жиҳатлари, унга ҳисса қўшган қироат олимлари ҳақида маълумот келтирилади.

Калит сўзлар. Қуръони карим, қироат, ҳарф, мутавотир, ривоят.

«Қироат» сузи арабча масдар бўлиб, луғатда «жамлаш» ва қўшиш» деган маънони билдиради. Зотан, қироат қилган шахс ҳарфларни жамлаган ва бирбирига қўшган бўлади. Қуръони Карим ҳам сураларни ва ўтган илохий китоблардаги маъноларни ўзида жамлагани учун Қуръон деб номланган.

Уламолар истилоҳида, хусусан, Ибн Жазарийнинг таърифида эса: «Қироатлар Қуръон калималарини адо этиш кайфияти ҳақидаги ва уларнинг ихтилофларини накл қилувчига нисбат берадиган илмдир».¹

Қироат - Қуръон ўқиш илми имомларидан бирининг Қуръон ўқишда накл ва ривоятга асосланган ҳолда бошқа имомлардан ўзгача йўл тутиши, қироат қилишидир. Бошқача қилиб айтганда, бирор қироат имоми томони- дан йўлга қўйилган маълум ҳарфларнинг тартибли равишдаги жамланмаси қироат дейилади.²

ҚИРОАТЛАРНИНГ МАНБАИ

Қироатларнинг манбаи ваҳийдир. Бу ҳақда бир қанча оятлар ва ҳадислар келган.

Аллох таоло Юнус сурасида шундай деб марҳамат қилади:

وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٌ قَالَ الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَاءَنَا أَنْتَ بِقُرْءَانٍ غَيْرِ هَذَا أَوْ بَدِّلَهُ قُلْ مَا يَكُونُ لِي أَنْ
أَبْدِلَهُ مِنْ تِلْقَابِي نَفْسِي إِنْ أَتَيْتُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابٌ يَوْمٍ عَظِيمٍ 10

«Қачонки уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинганида, Бизга рўбарў бўлишдан умид қилмайдиганлар: «Бундан бошқа Қуръон келтир ёки уни алмаштир», дедилар. Сен: «Мен уни ўзимча алмаштира олмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсасагина эргашаман. Албатта, мен Роббимга осий бўлсам, буюк кун азобидан қўрқаман», деб айт» (15-оят). Аллох таоло Нажм сурасида шундай дейди:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۗ ۙ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ۗ عَلَّمَهُ شَدِيدُ الْقُوَىٰ ۝

¹ ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ. ҚУРЪОН ИЛМЛАРИ. <<ҲИЛОЛ НАШР>>

² Одтнахон Муҳаммад Содик. МУФАССАЛ ТАЖВИД. ҲИЛОЛ-НАШР ТОШКЕНТ 2022

«У ҳаводан нутқ қилмас. У (Қуръон) юбориладиган ваҳийдан ўзга нарса эмас. Унга шиддатли кувват эгаси таълим берди» (3-5-оятлар). Аллоҳ таоло Хакко сурасида марҳамат қилади:

وَلَوْ تَقَوَّلَ عَلَيْنَا بَعْضَ الْأَقَاوِيلِ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِالْيَمِينِ ۚ ثُمَّ لَقَطَعْنَا مِنْهُ الْوَتِينَ ۝

«Агар у Бизга баъзи ёлғон сўзларни тўқиса, албатта Биз уни қудрат билан тутамиз. Сўнгра албатта унинг шох томирини кесамиз» (44-46-оятлар).

Ушбу оятлардан кўринадики, Расулulloх соллalloху алайхи васаллам ўзларича Қуръони Каримдан бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмаслар. Шундай экан, уни Расулulloх соллalloху алайхи васалламдан бошқа бирор одам ҳам мутлақо ўзгартира олмаслиги турган гап. Бу борадаги Суннатда келган далиллар Қуръони Каримнинг етти харфда нозил бўлиши ҳақидаги мавзуда келтирилган. Бу ерда мазкур сарлавҳа остидаги маълумотлар доирасида келмаган бир ҳадисни эслаб ўтиш билан кифояланамиз.

أبي بن كعب: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ جَبْرِيْلَ وَمِيكَائِيْلَ عَلَيْهِمَا السَّلَامُ أَتَيَانِي، فَقَعَدَ جَبْرِيْلُ عَن يَمِيْنِي وَمِيكَائِيْلُ عَن يَسَارِي، فَقَالَ جَبْرِيْلُ لِلَّهِ: أَقْرَأَ الْقُرْآنَ عَلَى حَرْفٍ، قَالَ مِيكَائِيْلُ: اسْتَرَدُّهُ، اسْتَرَدُّهُ، حَتَّى بَلَغَ سَبْعَةَ أَحْرَافٍ، فَكُلُّ حَرْفٍ شَافٍ كَافٍ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ

Убай ибн Каъб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллalloху алайхи васаллам дедилар: «Жаброил ва Микоил алайҳимоссалом олдимга келишди. Жаброил ўнг тарафимга, Микоил чап тарафимга ўтирди. Шунда Жаброил алайҳиссалом:

«Қуръонни бир харфда қироат қил», деди. Микоил эса: «Ундан зиёда қилишини сўра, ундан зиёда қилиши- ни сура», деди. Ниҳоят, етти харфга етди. Ҳамма харф шофий ва кофийдир».

Насоий ривоят қилган.

Ушбу ҳадисдан ҳам кўришиб турибдики, Қуръони Қаримни Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг ўзлари ҳам истаганларича ўқий олмайдилар. Балки фаришталар олиб келган ваҳий асосида қироат қиладилар. Бу борадаги ҳадислар мутавотир даражасига етгандир.

ҚИРОАТ РУКНЛАРИ

Ислом шариатида ҳар бир нарса, ҳар бир амал алоҳида рукнларга эга бўлганидек, Қуръон қироатининг ҳам ўз рукнлари бор. Қуръон тиловати мақбул бўлиши учун ушбу рукнлар мавжуд бўлиши шарт. Улар учтадир:

1. Санаднинг тўғри бўлиши.

Қироат санади Расулulloх соллalloху алайхи васалламга уланган устоздан олинган бўлиши.

2. Қироат Усманий Мусхафга мувофиқ бўлиши.

3. Қироат араб тили қоидаларига мувофиқ бўлиши.

Агар ушбу рукнлардан бирортаси топилмаса, кироат тўғри деб ҳисобланмайди.³

Имом Бухорий «Жомиъус-саҳиҳ» ларининг «Тафсир китоби» бобида Ибн Аббос(р.а.)дан шундай ривоят қиладилар: **«Расулulloҳ(с.а.в.) айтдилар: «Жаброил(а.с) менга Қуръонни бир кироат билан ўргатдилар. Мен Ул зотга мурожаат қилиб, кироат йўлини кўпайтиришни сўрадим. То кироат етти хилга етмагунча, мен сўрашдан, Ул зот эса зиёда қилишдан тўхтамадилар».** (Шайх Исмоил Махдум. Усмон Муҳаффининг тарихи. Т.: «Мовароуннаҳр», 1995. 17-б.)

Имом Муслим ривоятларида Убай ибн Каъб шундай дейдилар: **«Пайғамбаримиз(с.а.в.) Макканинг бир мавзеъида эдилар. Хузурларига Жаброил(а.с.) келиб: «Раббингиз сизга Қуръони Каримни умматингизга бир ҳарфда ўқиб беришингизни буюрди», —дедилар. Расулulloҳ(с.а.в.): «Мен Парвардигоримнинг афв ва мағфиратини сўрайман. Умматим Қуръонни бир ҳарфда ўқишга қодир эмас», дедилар. Иккинчи марта келганларида: «Раббингиз сизга Қуръони Каримни умматингизга икки ҳарфда ўқиб беришингизни буюрди», — дедилар. Расулulloҳ(с.а.в.): «Мен Парвардигоримнинг афв ва мағфиратини сўрайман. Умматим Қуръонни икки ҳарфда ўқишга ҳам қодир эмас», —дедилар. Учинчи марта келганларида: «Раббингиз сизга Қуръони Каримни умматингизга уч ҳарфда ўқиб беришингизни буюрди», — дедилар. Расулulloҳ(с.а.в.): «Мен Парвардигоримнинг афв ва мағфиратини сўрайман. Умматим Қуръонни уч ҳарфда ўқишга ҳам қодир эмас», — дедилар. Жаброил(а.с.) тўртинчи марта келганларида: «Раббингиз сизга Қуръони Каримни умматингизга етти ҳарфда ўқиб беришингизни буюрди. Етти ҳарфдан ҳайси бирида ўқисалар ҳам тўғри ўқиган бўладилар», дедилар. (Қуртубий. Ал-Жомиъ ли-аҳкомил-Қуръон. Байрут. 1-ж. 41-42-бет.)⁴**

ҚИРОАТ ЖАРАЁНИДА ТАНЛАНАДИГАН ТЕЗЛИКЛАР

Қуръони каримни тартил билан тиловат қилишда уч хил тезликка амал қилинади. Ушбу тезликлар тажвид истилоҳида таҳқиқ, ҳадр ва тадвир деб аталади.

«Таҳқиқ». Таҳқиқ луғатда «бир нарсанинг ҳақиқатига етиш» демакдир. Тажвид истилоҳида «Ортикча чўзмасдан, секин тиловат қилиш». Таълим беришда айнан шу тезликдан фойдаланиш яхши саналади.

«Ҳадр». Ҳадр луғатда «тез» деган маънони билдиради. Истилоҳда «Ҳарфларни аралаштирмасдан, тажвид қоидаларига амал қилган ҳолда тез тиловат қилиш». Таърифда «тажвид қоидаларига амал қилиш», деган жумлани

³ Одтнахон Муҳаммад Содик. МУФАССАЛ ТАЖВИД. ҲИЛОЛ-НАШР ТОШКЕНТ 2022

⁴ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илмлари.

кўшишимизга сабаб, баъзи ҳолларда қори тез ўқиганда ҳарфлар бир-бирига аралашиб, тажвид қоидаларига путур етиб қолиш ҳолатлари кузатилади.

«Тадвир». Тадвир луғатда «айланиш» маъносидадир. Истилоҳда «Ўрта тезликда тиловат қилиш». Яъни, қори тахкик ва хадрнинг ўртасидаги тезликда тиловат қилади.

Қори мазкур учта тезликнинг қай бирида тиловат қилса ҳам тартил билан ўқиган ва «Қуръонни «тартил» билан (дона-дона тарзда) тиловат қилинг!» дейилган оятга риоя этган бўлади. Баъзилар айтганларидек, «тартил» алоҳида тўртинчи тезлик даражаси эмас. Агар ундай бўлса, фақат шу тўртинчи тезлик даражасида ўқиган кишигина «тартил» билан ўқиган бўлиб қолади. Бу эса нотўғри қарашдир.⁵

Кўпчилик уламоларнинг, жумладан: Ад-Довудий ва Ибн Абу Суфраларнинг фикрларига қараганда, Пайғамбаримиз(с.а.в.) айтган«етти ҳарф»нинг етти қори қироатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки, бу қироатлар Ҳазрат Усмон(р.а.) Мусҳафни«бир ҳарф»ликка айлантирганларидан сўнг қорилар томонидан ўзларига гўзал кўринган қироат танлаб олинган. Шунинг учун ҳам етти қироат саҳобаларга эмас, балки қориларнинг ўзларига, масалан: Кисойй қироати, Нофиъ қироати, Ибн Касир қироати, Осим қироати, Абу Амр қироати, Ҳамза қироати ва Ибн Омир қироати деб нисбат берилади. Кўп асрлардан буён ана шу етти қироат мусулмонлар орасида тарқалган. Ислом мамлакатларидаги Таҳфизул Қуръон мадрасаларида етти қироат бўйича маълумотлар чуқур ўргатилади. Ҳозирда эса бутун дунёда икки қироат йўналиши машҳур бўлиб, биттаси Имом Ҳафс ривояти билан Имом Осим қироати (Диёримизда Имом Ҳафс ривояти билан Имом Осим қироати тарқалган), иккинчиси эса Имом Варш ривояти билан Имом Нофиъ қироати тарқалган.

Хулоса қилиб айтганда, Қуръонни ўқиш осон бўлсин учун«етти ҳарф», яъни етти лаҳжада ўқишга руҳсат берилган эди. Расулulloҳ(с.а.в.) ҳар бир қабила ахлига ўз лаҳжасида қироат қилишни ўргатган ва саҳобаларга шу етти ҳарфнинг қайси бирида ўқишни хоҳласалар, шунга ижозат берган эдилар. Агар ихтилоф қилсалар ва Расулulloҳ(с.а.в.)дан бошқа қироатлар хусусида сўрасалар, Расулulloҳ(с.а.в.) уларга: «Ҳаммаси тўғри ва Аллоҳ томонидан руҳсат берилган, Қуръон хусусида ихтилоф ва жанжал қилманглар», — деб жавоб берар эдилар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ. ҚУРЪОН ИЛМЛАРИ. <<ҲИЛОЛ НАШР>>
2. РАҲМАТУЛЛОҲ ҚОРИ ОБИДОВ. Қуръон ва тафсир илмлари.
3. ЖАҲОНГИР УБАЙДУЛЛОҲ. ҚИРОАТ ВА ТАЖВИД фанидан ўқув қўлланма
4. Одинахон Муҳаммад Содик. МУФАССАЛ ТАЖВИД. ҲИЛОЛ-НАШР ТОШКЕНТ 2022

⁵ ЖАҲОНГИР УБАЙДУЛЛОҲ. ҚИРОАТ ВА ТАЖВИД фанидан ўқув қўлланма